

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯСИ

Раматов Жуманиёз Султонович

Тошкент давлат транспорт университети
“Ижтимоий фанлар” кафедраси мудири

Ҳасанов Миршод Нўъмонович

Тошкент давлат транспорт университети
“Ижтимоий фанлар” кафедраси ўқитувчиси

Валиев Лочин Азаматович

Тошкент давлат транспорт университети
“Ижтимоий фанлар” кафедраси таянч докторанти

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада Ўзбекистонда бандлик ва ишсизлик борасида амалга оширилган ислохотлар ва уларнинг натижалари бўйича маълумотлар келтирилган. Бандлик концептига илмий ва ҳуқуқий ёндашувлар кўрсатиб ўтилган.

***Калим сўзлар:** бандлик, ишсизлик, механизм, бандлик сиёсати, меҳнат бозори.*

ABSTRACT

This article provides information on the reforms implemented in Uzbekistan regarding employment and unemployment and their results. Scientific and legal approaches to the concept of employment are shown.

***Keywords:** employment, unemployment, mechanism, employment policy, labor market.*

КИРИШ

Ўзбекистон Республикасининг мустақил давлат деб эълон қилиниши жамиятимизнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-маданий соҳаларида туб ўзгаришларни вужудга келишига сабаб бўлди [24,27,37,38,39]. Бу ўзгаришлар бевосита мамлакатимиз аҳолисини бандлигини ошириш ва унинг ижтимоий механизмларини шакллантирилиши зарурат эканлигини тақозо этди. Аҳолини иш билан таъминлаш, яъни бандлик масаласини илмий ўрганиш социологик, иқтисодий, психологик, ҳуқуқий каби таълимотларни такомиллаштириш учун хизмат қилиши билан бирга, миллий тараққиётни таъминлаш йўлида мавжуд

ресурслардан манзилли фойдаланиш стратегиясини белгилаш имконини беради[1].

МАТЕРИАЛ ВА МЕТОДЛАР

Бандлик тушунчаси, этимологик жиҳатдан меҳнатга яроқли аҳолининг иш ўринлари билан таъминланганлик ҳамда хўжалик юритиш фаолиятида иштирок этиш каби маъноларни англатади. Бу тарздаги изох, ўз навбатида бандлик - аҳолининг ҳаёт тарзини таъминлаб, уларни моддий ва маънавий яратувчанлик фаолияти билан шуғулланишлари учун замин ҳисобланади деб бевосита хулоса чиқариш учун етарли ҳисобланади. Фикримизча, бандлик, аниқ бир касб билан шуғулланиш учун касбга танлов ўтказишни, касбни эгаллаш учун таълим (шу жумладан касбий таълим) олишни, кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни, иш жойини йўқотганларга моддий ёрдам кўрсатишни, меҳнат бозорининг талабларидан келиб чиққан ҳолда янги ихтисосликлар бўйича меҳнат юритишни таъминлашини тақозо этади. У, инсон камолотини муҳим ҳисобланган жиҳатини, аниқроғи ижтимоий жабҳасини таъминлаб, меҳнат ва унинг турли соҳалари билан боғлиқ бўлган эҳтиёжларини қондиради. Ўзбекистон Республикасининг “Аҳоли бандлиги тўғрисида”ги Қонуни 4-моддасида бандлик концептига: “Бандлик фуқароларнинг қонун ҳужжатларида тақиқланмаган, ўз шахсий ва ижтимоий эҳтиёжларини қаноатлантириш билан боғлиқ бўлган, уларга иш ҳақи (меҳнат даромади) келтирадиган фаолиятидир” – дея таърифланиб, “Фуқароларга ўзининг ишлаб чиқаришга ва ижодий меҳнатга доир қобилиятларидан фойдаланиш ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган, шу жумладан ҳақ тўланадиган ишни бажариш билан боғлиқ бўлмаган ҳар қандай фаолиятни амалга ошириш бўйича мутлақ ҳуқуқ тегишлидир”[2] - деб белгиланган.

Иш билан бандлик сиёсати бевосита ҳудуддаги демографик жараёнлар билан боғлиқ. Чунки Ўзбекистон дунё миқёсида аҳолиси энг ёш давлатлардан бири ҳисобланади ва аҳолининг ўртача ёши 26 ёшга тенгдир. Бу ҳолат эса мамлакатнинг улкан иш кучига эга эканлигидан далолат беради. Бугунги кунда Ўзбекистон аҳолиси сони 34 млн. киши атрофидани ташкил этиб, уларнинг 50% га яқини қишлоқ жойларда истиқомат қилса, мамлакат жами меҳнат ресурсларининг 57% қисми айнан қишлоқ жойлар улушига тўғри келади ва уларнинг сони 7,2 млн. кишидан ошади[3]. Бу ҳолат эса ХХI асрда меҳнат захиралари юксак меҳнат фаоллиги ва касб тайёргарлиги билан ажралиб турадиган одамлар кўпчилигини ташкил этишига имкон беради.

Бу борада Президент Ш.Мирзиёев 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида: “...мавжуд муаммоларни аниқлаш, уларни чуқур таҳлил қилиш, ечимлари бўйича таклиф ишлаб чиқиш, ижроси устидан жамоатчилик назоратини таъминлашга ижтимоий буюртма асосида нодавлат нотижорат ташкилотлари кенг жалб этилади. ...Бу ишларни ташкил этиш учун келгуси йилда бюджетдан 60 миллиард сўм йўналтирилади”[4] –дея қайд этиб, аҳолини бандлигини таъминлаш борасидаги амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифаларни кўрсатиб ўтди. Шунингдек, 2021 йилда “эҳтиёжманд аҳоли бандлигини таъминлашга Бандликка кўмаклашиш ҳамда Жамоат ишлари жамғармаларидан 500 миллиард сўм йўналтирилади”[5] -дея таъкидлади.

НАТИЖА ВА МУҲОКАМА

Тарихий тажрибалар шуни кўрсатадики[6, 7, 8], жамият муаммолари ичида инсоннинг шахси ва талаб-эҳтиёжларини ҳисобга олмасдан ҳал қилишга уриниш омадсизликка маҳкум этади. Шунинг учун авваллари олимлар иш билан бандлик муаммоларини кўриб чиқаётганларида асосан, унинг иқтисодий жиҳатларига эътибор берган бўлсалар, кейинги пайтда иш билан бандликнинг ижтимоий-маданий, руҳий жиҳатлари тўғрисида тобора кўпроқ муносабат билдириляётганликлари бежиз эмас[9]. Чунки жамиятда хизмат кўрсатиш соҳасини шаклланиши ва кенгайиб бориши, янги ихтисосликларни пайдо бўлиши иш ва бандлик масаласига мажмуавий тарзда муносабат билдиришни талаб этмоқда. О.В.Заяцнинг кўрсатиб ўтишича, бандликни ўз таркиблари мавжуд, булар:

1. ижтимоий бандлик;
2. давлат – хусусий бандлик;
3. минтақавий – ҳудудий бандлик;
4. соҳавий бандлик;
5. профессионал-квалификациявий ёш ва жинс бўйича бандлик;
6. миллий бандлик;
7. оилавий бандлик[10] кабилар ҳисобланади.

Аҳоли бандлигининг ижтимоий-демографик масалалари ҳар доим илмий-социологик, илмий-иқтисодий мавзу тарзида долзарб бўлиб келган[11, 12, 13, 14, 15, 16]. Бу мавзунинг тарихий, гендерли, маданий-психологик ва иқтисодий-ҳуқуқий жиҳатлари бу кунга қадар ўз долзарблигини йўқотмаган. Статистик маълумотлар ва социологик тадқиқотларнинг натижалари шуни кўрсатадики, аҳолининг иш билан бандлиги муаммоси фақат бизнинг республикамизда эмас,

балки бошқа мамлакатларда ҳам Конституция[17, 18] ва бошқа қонунлар билан ҳимоя қилинади.

Ўзбекистон дунё ҳамжамияти давлатлари ўртасида аҳолисининг жадал ўсиб бораётганлиги билан ажралиб туради. Республикамиз аҳолиси сони ҳар йили ўртача 550-600 минг кишига, меҳнатга лаёқатли аҳоли сони эса 320-350 минг кишига кўпаймоқда[19]. Профессорлар Қ.Абдурахмонов ва Б.Умурзоқовларнинг таъкидлашича, “юртимизда демографик вазият соғлом бўлиб, аҳоли ҳамда иқтисодиёт бир-бирига мутаносиб ўсмоқда. Агар туғилиш кўрсаткичлари 2030 йилгача ҳозирги суръатда сақланиб қолса, меҳнат бозорига ҳар йили 710-720 минг нафар йигит-қиз кириб келади. Ўз навбатида, 230-240 минг киши пенсия ёшига етади. Шу маънода, йигит-қизларни ишга жалб қилиш чора-тадбирларини ҳозирданок кўриш долзарб аҳамиятга эга”[20].

Аҳолининг иш билан бандлигини ошириш, бунинг учун эса ишлаб чиқаришни кенгайтириш, янги иш ўринлари яратиш борасида узлуксиз иш олиб бориш ва қонунчиликни такомиллаштириш лозим бўлади. Чунки жамиятнинг беқарорлашувига бошқа омил қатори аҳолини иш билан таъминланмаганлиги, яъни бандликни оширмаслик социал омил тарзида таъсир кўрсатади. Бошқа омилларга эса қуйидагилар киради:

- ишлаб чиқаришнинг турғунлиги;
- фан ва ишлаб чиқариш орасидаги алоқадорликнинг узилиши;
- қонунчилик базасини етук эмаслиги;
- яширин ишсизликни мавжудлиги;
- назорат этилмайдиган миграция;
- бўш иш жойларига доир ахборотнинг мавжуд эмаслиги.

Бу ҳолат ўз навбатида миллий меҳнат бозорини шакллантириш ва уни ҳимоясини таъминлашни талаб этади. Акс ҳолда аҳолини турмуш даражаси пасайиб бориши, мамлакатда ишсизлар сонини ортиб бориши билан боғлиқ маданий, педагогик, психологик, демографик, тиббий, ҳуқуқий мазмунларга эга бўлган муаммолар[21, 22] келиб чиқиши мумкин. Масалан расмий жиҳатдан иш жойини қидириш ёки норасмий тарзда иш жойини қидириш ҳолати, ишсизларнинг руҳий ҳолатини беқарорлашуви натижасида турли шаклдаги конфликтларни келиб чиқишини кўрсатиб ўтиш мумкин.

ХУЛОСА

1. Бандлик билан шуғулланиш тизимини такомиллаштириб, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиб, иш жойларини ташкил этаётганларни рағбатлантиришни мақбул шаклларини жорий этиш лозим;

2. Бандликни жараёнига тааллуқли бўлган сленг ва жаргонларни илмий социологик ўрганиб, уни саноат ва ишлаб чиқариш, бошқа соҳалар ва меҳнат жараёнини бошқариш билан боғлиқлик даражасини белгилаб олиш мақсадга мувофиқ;

3. Меҳнат бозорининг талаб ва таклифларидан келиб чиққан ҳолда, касбий ихтисосликлар классификаторини такомиллаштириб, “Ишлаб чиқариш - Таълим - Ишлаб чиқариш - Малака ошириш – Касбий лаёқат - Касбга қайта тайёрлаш – Ишлаб чиқариш” каби ижтимоий тизим муносабатларини йўлга қўйиш лозим;

4. Меҳнат ва бандлик билан шуғулланувчи социал институтлар фаолиятини функционал ва институционал тарзда такомиллаштириб, меҳнатдан қониқиш ва меҳнат самарадорлиги масалаларини мониторингини ўтказиш лозим.

REFERENCES

1. Шевчук АЛ. Постфордистские концепции как исследовательская программа // Экономическая социология. 2002. Т.3, №2. www.ecsoc.msses.ru
2. Ўзбекистон Республикаси “Аҳоли бандлиги тўғрисида”ги ЎРҚ-642-сонли Қонуни. 2020 йил 20 октябрь,- <https://lex.uz/docs/5055690>
3. Ўзбекистон Республикаси Статистика Қўмитаси маълумоти асосида тайёрланди. - [http:// www.lex.uz](http://www.lex.uz)
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2020 йил 29 декабрь. - <http://uzlidep.uz/news-of-uzbekistan/7998>
5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2020 йил 29 декабрь. - <http://uzlidep.uz/news-of-uzbekistan/7998>
6. Проблемы развития общества: экология, экономика, управление: Сборник научных трудов. Выпуск II / Ульяновский государственный технический университет. - Ульяновск, 2000. - 112 с.
7. Глущенко Е.В., Захарова Е.В., Тихомиров Ю.В. Теория управления: Учебный курс. - М., 1997.
8. Ансофф И. Стратегическое управление / Пер. с англ. - М., 1998.
9. See more books in [http:// www.e-reading.club](http://www.e-reading.club)
10. Заяц О.В. Занятость населения и ее регулирование. – Владивосток, Издательство Дальневосточного университета, 2003. – С.10.

11. Ананьев А.Н. Социально-психологические последствия безработицы <http://www.mediatext.ru/docs/7005?page=8>.
12. Боровик В.С., Ермакова Е.Е., Похвощев В.А. Занятость населения. – Ростов/на Дону: «Феникс», 2001.
13. Герций Ю. Безработица растет, ее структура изменяется // Ж. Человек и труд. - №7. – 2002. – С.62-65.
14. Кашепов А. Политика на рынке труда // Ж. Общество и экономика. – 2001. - №5.
15. Свистунова Е. Занятость инвалидов: правовое регулирование в регионах // Ж. Человек и труд. - №2. – 2003. – С.37-41.
16. Тово Марио Самозанятость населения в Италии // Ж. Человек и труд. - №2. – 2003. – С.74-77.
17. Конституции мира (Сборник конституций государств мира. Т.3) Составители и авторы введения, вступительных статей У.Таджиханов и А.Х.Саидов. – Т.: Академия МВД Республики Узбекистан, 1998. – 448 с.
18. Конституции мира (Сборник конституций государств мира. Т.5) Составители и авторы введения, вступительных статей У.Таджиханов и А.Х.Саидов. – Т.: Академия МВД Республики Узбекистан, 1998. – 463 с.
19. Ҳасанов, М. Н., Бошмонов, С. У., & Жонибеков, Т. О. (2022). АБУ НАСР ФОРОВИЙНИНГ ИЛМ-ФАНЛАР ТАСНИФИДА АҲЛОҚИЙ ВА ДИНИЙ ҚАРАШЛАРИНИНГ ТАҲЛИЛИ. *Academic research in educational sciences*, 3(TSTU Conference 1), 608-613.
20. Раматов, Ж. С., & Ҳасанов, М. Н. (2022). АБУ НАСР ФОРОВИЙНИНГ ЖАҲОН ИЛМ-ФАН ТАРАҚҚИЁТИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ ВА УНИНГ БУГУНГИ КУНДАГИ АҲАМИЯТИ. *Academic research in educational sciences*, 3(TSTU Conference 1), 648-653.
21. Ҳасанов, М. Н. (2022). ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТИ БОСҚИЧИДА ЁШЛАРИНИНГ МАЪНАВИЙ ВА МАДАНИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШНИНГ УСТИВОР ВАЗИФАЛАРИ. *Academic research in educational sciences*, 3(6), 791-798.
22. М.Н.Ҳасанов, Б.З.Зайниддинов, О.А.Абдухалилов, & Д.Д.Джурайев. (2022). МЕХНАТДА ИНСОННИ ШАКЛЛАНИШДАГИ АҲАМИЯТИ. *JOURNAL OF NEW CENTURY INNOVATIONS*, 4(3), 116–123. Retrieved from <http://wsrjournal.com/index.php/new/article/view/624>

-
23. Н. Ж. Назарова & М. Н. Ҳасанов (2022). ТАЛАБАЛАРДА БЎШ ВАҚТДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ КЎНИКМАЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ. *Academic research in educational sciences*, 3 (6), 752-758.
24. Рахимова, М. И., & Хасанов, М. Н. (2020). Роль среднеазиатской философии в развитии мировой и европейской науки. *Вестник науки и образования*, (4-1 (82)), 38-41.
25. U Ruzigul, J Nasirjan, A Dilmurodkh Hakim, H Mirshod. RATIONALE AND HISTORY OF HUMAN REFLECTIONS IN THE MUSLIM PHILOSOPHY. // *International Journal of Advanced Science and technology*, 2020. 1453-1458.